Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
18 ИЮНЬ, 1969 Й
ЧОРШАНБА
№ 142 (906).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг 17 июндаги мажлиси Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Арисменди раислигида ўтди. Кенгашнинг «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» тўғрисидаги Асосий ҳужжати қабул қилинади. Кенгаш иштирокчилари, шунингдек, «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўғрисида»ги мурожаатни ҳам якдиллик билан қабул қилдилар. Кенгаш қатнашчилари шу ҳужжатларни қарсаклар остида қабул қилдилар.

Швейцария Меҳнат партияси раҳбарлик комитетининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ўртоқ Я. Лехляйтер, Марокаш Озодлик ва Социалистик партиясининг бош секретари ўртоқ Али Ята, Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Ж. Голлан Асосий ҳужжат тўғрисида ўз партияларининг позициясини баён қилдилар.

Ўртоқ Р. Арисменди якунловчи нутқ сўзлади.

Делегатлар коммунистлар гимни «Интернационал»ни ижро этадилар. Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши ўз ишини тамомлади.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ КРЕМЛДА БЎЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар!

Чет эллик азиз дўстлар ва биродарлар!

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Халқаро Кенгаши ўз ишини муваффақият билан тамомлади.

Ҳозир биз ўзимизнинг катта ва самарали меҳнатимизни тамомлаган ва иш столимизни, ижодий мунозарадар қилган столимизни ана шу тантанали столга алмаштирганимизда бу ерда, қабулда, қардош партияларнинг вакилларини партиямиз ва бутун совет халқининг қадрдон меҳмонлари сифатида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан, мамлакатимиздаги барча коммунистлар номидан самимий табриклашга руҳсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Жаҳондаги Коммунистик партияларнинг шу қадар ваколатли учрашуви Ватанимиз пойтахти Москвада бўлганлиги биз совет коммунистлари учун жуда катта шарафдир.

Ишонамизки, бу кенгаш жаҳон коммунистик ҳаракати тарихига империализмга қарши ҳамжиҳат курашимиздаги, барча коммунистларни буюк умумий мақсадларимиз йўлида бирлаштириш ва жипслаштиришдаги энг муҳим воқеа бўлиб киради.

Кенгашга шундай баҳо бериш учун етарли даражада асос бор.

Бир неча бор айтиб ўтилгандек, кенгашимизнинг ўзи жуда синчиклаб демократик асосда тайёрланди ва амалий ўртоқлик руҳида ўтди. Шундай қилиб у, кўпгина партиялар коммунистларининг коллектив ҳаракатлари самарали бўлиб чиқишини кўрсатди. Кенгашда бўлган чуқур ва принципиал, амалий эркин ва ошкора мунозарамизнинг ҳаммамизга айрим партияларнинг қарашлари ва баҳоларини таққослаш, ҳаракатимизнинг актуал проблемаларини муфассал, ҳеч қандай чекламай муҳокама қилиш имконини берди. Шуни аниқ айтиш мумкинки, натижада революцион назариямиз тараққиётига янги салмоқли ҳисса қўшилди. Қўпгина кардош партиялар раҳбарларининг нутқларида марксча-ленинча таълимотни жаҳоннинг турли районларидаги вазият хусусиятларига ва курашнинг ўзига хос шароитларига конкрет татбиқ қилиш тажрибаси гапириб берилди. Умуман кенгашимиз кун тартибидаги асосий масаланинг муҳокама қилиниши бутун коммунистик ҳаракатни ва кенгаш қатнашчиси бўлган ҳар бир партияни шак-шубҳасиз бойитади, бизга қардош партияларнинг қимматли тажрибасидан фойдаланишга ёрдам беради.

Кенгашда қабул қилинган ҳужжатлар умумий курашимизда ҳаммамизга янги қурол беради. Бу ҳужжатлар барча мамлакатлардаги коммунистлар ва меҳнаткашларга империалистик агрессияга ва зулмга қарши кураш олиб бориш йўлларини янада равшанроқ кўрсатишга ёрдам беради. Бу ҳужжатлар озодлик, тинчлик ва халқлар бахт — саодати учун курашаётган Ер юзидаги барча сафдил, прогрессив кучларга биргаликда қардошлик даъватимиз бўлиб жаҳон узра янграйди.

Ўз-ўзидан маълумки, қабул қилинган ҳужжатлар — бу ерда қатнашаётган ҳар бир партия қиладиган катта ишнинг асосидир, холос. Лекин ишонч билан айтиш мумкинки, бу яхши ва ишончли асосдир. **(Қарсаклар).**

Бу асос коммунистларнинг империализм кучларига, реакцияга ва урушга қарши қардошларча бирлигини мустаҳкамлашдаги муҳим босқични акс эттиради. Бу асос умид бахш этади, ишимизда янги галабаларга эришувимизга, ҳаракатимизни янада кўпроқ жипслаштиришга ишонтиради.

Биз ҳали кўпгина, тажрибали ва маккор синфий душманга қарши қаттиқ жанглар олиб боришимиз керак бўлади. Бу ҳол ҳаммамизни айрим масалаларга оид қарашларда баъзи тафовутлар бўлган вақтда ҳам ҳамжиҳат ҳаракат қилишга ундайди. Кенгашимизда кураш тажрибасини ҳар томонлама ўртоқлашганлигимиз, коммунистик ҳаракатнинг энг актуал масалаларида бир хил позиция ишлаб чиққанлигимиз — биз ўз сафларимизни жипслаштириб ўз харакатларимизни мослаштириб ва мувофиқлаштириб, бу жангларда ғалаба қозонишимиз учун энг ишончли гаровдир. Кенгаш ишлаб турган кунларда қардош партияларнинг делегациялари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлати империализмга қарши, адолатли ишимизнинг тантанаси учун умумий курашга қанчалик ҳисса қўшганлиги тўғрисида қайта-қайта гапирдилар. Бизнинг сиёсатимизга қурашдаги сафдош ўртоқларимиз томонидан берилган юқори баҳо, шунингдек кенгашда партиямиз ва Совет давлатининг асосчиси ва доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган ҳужжатнинг қабул қилиниши, биз совет коммунистларини ва бутун совет халқини илҳомлантиради.

Маркс-Ленин таълимотига, пролетар интернационализми принципларига чексиз содиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳаракатимиз олдида, жаҳондаги барча антиимпериалистик кучлар олдида кенгашимиз якунлари очиб бераётган янги перспективаларни амалга оширишга ёрдам бериш учун кучини аямайди, деб сизларни ишонтиришга рухсат этгайсиз, азиз ўртоқлар.

Қадрли дўстлар!

Иш билан, мунозаралар билан бўлиб, вақтнинг тез ўтганлигини билмай қолдик. Худди кечагина биз сизларни Москвага келганлигингиз билан самимий табриклаган эдик. Бундай ҳолатда одатда бўладиган қаби, сизлар билан хайрлашиш бир оз оғир бўлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан партияларингизга, ўз юртларингиздаги ишчилар, деҳқонлар, интеллигенцияга совет коммунистларидан бутун 240 миллионли совет халқидан алангали салом топширишингизни сизлардан илтимос қиламиз. **(Қарсаклар).**

Сизларнинг соғлиғингиз учун, азиз ўртоқлар ва жанговар дўстлар!

Зулмга, эксплуатацияга ва қашшоқликка қарши, халқларнинг озодлиги учун, инсониятнинг порлоқ келажаги учун олиб бораётган муқаддас курашимизнинг муваффақияти учун!

Яшасин барча мамлакатлар коммунистларининг бирлиги!

Яшасин коммунизм! **(Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

(ТАСС).

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1969 йил 5 июндан 17 июнгача Москвада 75 коммунистик ва ишчи партиянинг Халқаро Кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари бу кенгашни империализмга қарши курашни кучайтиришда, бутун жаҳондаги кенг халқ оммасининг антиимпериалистик ҳаракат бирлигига эришишда жуда катта воқеа деб, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида коммунистик ҳаракат жипслигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич деб баҳоламоқдалар.

Кенгашда қуйидаги коммунистик ва ишчи партияларнинг делегациялари қатнашди: Австралия Коммунистик партияси, Австрия Коммунистик партияси, Жазоир Социалистик авангард партияси, Аргентина Коммунистик партияси, Бельгия Коммунистик партияси, Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партияси, Болгария Коммунистик партияси, Боливия Коммунистик партияси, Бразилия Коммунистик партияси, Буюк Британия Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Венесуэла Коммунистик партияси, Гаити коммунистлари Бирлашган партияси, Гайана Халқ прогрессив партияси, Гваделупа Коммунистик партияси, Гватемала Меҳнат партияси, Германия Коммунистик партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Гондурас Коммунистик партияси, Греция Коммунистик партияси, Дания Коммунистик партияси, Доминикана Коммунистик партияси, Исроил Коммунистик партияси, Ҳиндистон Коммунистик партияси, Иордания Коммунистик партияси, Ироқ Коммунистик партияси, Эрон Халқ партияси, Шимолий Ирландия Коммунистик партияси, Ирландия ишчи партияси, Испания Коммунистик партияси, Италия Коммунистик партияси, Канада Коммунистик партияси, Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партияси, Колумбия Коммунистик партияси, Коста-Рика Халқ авангард партияси, Лесото Коммунистик партияси, Ливан Коммунистик партияси, Люксембург Коммунистик партияси, Озодлик ва социализм партияси (Марокаш), Мартиника Коммунистик партияси, Мексика Коммунистик партияси, Монголия Халқ революцион партияси, Нигерия марксчи-ленинчилари, Никарагуа Социалистик партияси, Норвегия Коммунистик партияси, Шарқий Покистон Коммунистик партияси, Панама Халқ партияси, Парагвай Коммунистик партияси, Перу Коммунистик партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Португалия Коммунистик партияси, Пуэрто-Рико Коммунистик партияси, Реюньон Коммунистик партияси, Руминия Коммунистик партияси, Сальвадор Коммунистик партияси, Сан-Марино Коммунистик партияси, Сурия Коммунистик партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, АҚШ Коммунистик партияси, Судан Коммунистик партияси, Тунис Коммунистик партияси, Туркия Коммунистик партияси, Уругвай Коммунистик партияси, Финляндия Коммунистик партияси, Франция Коммунистик партияси, Цейлон Коммунистик партияси, Чехословакия Коммунистик партияси, Чили Коммунистик партияси, Швейцария Меҳнат партияси, Эквадор Коммунистик партияси, Жанубий Африка Коммунистик партияси, Яширин шароитда ишловчи икки партия (буларнинг номи хавфсизлик мулоҳазалари билан эслатиб ўтилмайди), Куба Коммунистик партияси ва Швеция сўл партияси — коммунистлар делегациялари кенгашда кузатувчилар сифатида ҳозир бўлдилар ва ўз позицияларини баён қилдилар.

Кенгаш «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» деган асосий ҳужжатни қабул қилди. Австралия, Италия, Сан-Марино, Реюньон Коммунистик партияларининг делегациялари ҳам коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш кераклигини айтишиб, ҳужжатнинг империализмга қарши биргаликда кураш олиб бориш программаси баён қилинган қисмигагина тамомила қўшилганликларини айтдилар, Доминикана Коммунистик партиясининг делегати эса асосий ҳужжатни қўллаб-қувватламади.

Кенгаш қатнашчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини байрам қилиш масаласини муҳокама қилдилар ва «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўғрисида»ги мурожаатни қизғин ва баланд руҳ билан маъқулладилар.

Кенгаш жаҳон халқларига «Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик!» чақириғи билан мурожаат қилди. Кенгаш Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг тузилишини қизғин маъқуллади. Кенгаш «Тинчликни ҳимоя қилиш ҳақидаги хитобнома»ни қабул қилди. У араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги баёнотни, шунингдек жуда қаттиқ репрессияларга дучор бўлаётган ва халқаро империализмдан мадад олаётган реакцион диктаторлик режимларига қарши оғир шароитларда фидокорона кураш олиб бораётган коммунистлар ва демократлар билан бирдамлик тўғрисидаги баёнотни қабул қилди.

Кенгаш сидқидиллик, қардошларча бирдамлик руҳида ўтди ва кенгаш ишлари тўғрисида кенг маълумот бериб турилди. Кенгашга тайёргарлик кўриш даврида ҳам, кенгаш давомида ҳам барча партияларнинг ҳуқуқий тенглиги принципи ва ишларни олиб боришнинг коллектив методларига қаттиқ риоя қилинди.

Кенгаш қатнашчилари коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар. Улар икки томонлама учрашувлар ва маҳаллий учрашувларни ўтказиш, фикр ва тажрибаларни айирбошлаш учун, актуал сиёсий ва назарий масалаларни, империализмга қарши, тинчлик, миллий тараққиёт, демократия ва социализм ишининг тантанаси учун кураш масалаларини коллектив суратда муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарурат бўлишига қараб, коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашларини ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

* * *

Кенгашнинг материалларини унинг ишида қатнашмаган Коммунистик ва ишчи партияларга ҳам юборишга қарор қилинди.

Кенгаш қатнашчилари бу кенгашнинг якунлари ҳар бир коммунистик партиянинг ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг манфаатларига мос бўлиб тушишига астойдил аминдирлар.

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ХИТОБНОМА

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА 1969 ЙИЛ 16 ИЮНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

Биз Москвадаги Халқаро кенгашга тўпланган коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари жаҳон халқларига, эътиқодлари ва сиёсий қарашлари қандайлигидан қатъий назар, ҳамма кишиларга мурожаат қилиб, уларни тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш йўлида биргаликда ҳаракат қилишга даъват этамиз.

Энг муҳим нарса учун — инсониятнинг келажаги учун кураш олиб борилмоқда. Асримизнинг биринчи ярмида бўлиб ўтган иккита жаҳон уруши 70 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди, минг-минглаб обод шаҳарлар ва қишлоқларни яксон қилди. Хиросима устидаги машъум атом булути — башарти империализм учинчи жаҳон урушини бошлашга муваффақ бўлса, у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги фожиали огоҳлантиришдир.

Ядро бомбалари бир неча дақиқа ичида исталган қитъага етиб бориб, жуда катта территорияларни култепага айлантира оладиган ҳозирги шароитда бошланадиган жаҳон можароси юз миллионларча кишининг халок бўлишига, жаҳон цивилизацияси ва маданияти дурдоналари қуйиб кул бўлишига олиб келган бўлур эди.

Урушлар, агрессия ва зўравонлик ҳаракатлари, халқларнинг озодлигига тажовуз қилиш — ана шуларнинг ҳаммаси империализм ва сиёсатига азалдан хос нарсалардир.

Зотан империализм ва аввало Америка империализми қуролланиш пойгасига зўр бермоқда, халқаро кескинликни кучайтирмоқда, Ер куррасининг турли жойларида можаролар ва маҳаллий урушлар келтириб чиқармоқда. Халқлар озодлигининг ашаддий душмани бўлган Америка империализми турли воситалар билан миллий озодлик ҳаракатларини бостиришга уринмоқда, реакцион тўнтаришлар уюштирмоқда, халққа қарши режимларни зўрлаб ўрнатиб қўймоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

Кўп йиллар мобайнида Америка империалистлари Вьетнамда энг вахшиёна воситаларни қўлланиб агрессив уруш олиб бормоқда.

Яқин Шарқда араб халқларига қарши Исроил қилган агрессия натижасида кескинликнинг хатарли ўчоги сақланиб турибдики, бу нарса ҳар дақиқа уруш ёнғинини чиқариб юбориши мумкин.

Империализмнинг Кубага қарши, Корея соҳиллари яқинида, Осиё, Африка, Латин Америкасидаги кўпгина давлатларга қарши игвогарлик кирдикорлари тинчликка доимо хавф-хатар солиб турибди.

Европа марказида урушқоқ Ғарбий Германия империализми куч тўпламоқда, янги нацизм бош кўтармоқда. Агрессив НАТО блокига таянувчи ва Америка империализми билан яқиндан иттифоқ бўлиб ҳаракат қилаётган Бонн ҳукмрон доиралари титлерчилар Германияси тормор келтирилганлигидан зарур сабоқларни чиқариб олмасдан, реваншчилик сиёсатини ўтказмоқдалар ядро қуролини қўлга киритиб олишга интилмоқдалар, Европадаги ҳамма халқларнинг хавфсизлигига хатар солмоқдалар.

НАТОнинг турли мамлакатларида ва Испанияда Америка империалистларига бериб қўйилган ҳарбий базалар Европада тинчликка хавф туғдирмоқда.

Монополистик капиталнинг фойдасини кўзлаб ўтказилаётган агрессия ва уруш сиёсати капиталистик мамлакатларнинг ўзида кенг халқ оммасининг эксплуатация қилинишини кучайтирмоқда, ирқий камситишни авж олдирмоқда, қўпол зўравонликни одат қилмоқда, демократик эркинликларнинг чекланишига олиб бормоқда, халқ оммасининг туб манфаатларига ҳамла қилмоқда. Экономиканинг милитарлаштирилиши жуда катта моддий маблағларни кемирмоқда, турмуш даражасини пасайтирмоқда, меҳнат аҳлининг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Юз милионларча кишилар очлик ва қашшоқлик азобини тортаётган бир пайтда инсоният олдида янги уфқлар очиб берувчи фан ва техниканинг энг буюк муваффақиятлари вайронгарчилик мақсадларига қаратилганлиги учун империализм айбдордир.

Шу сабабли ҳам тинчлик учун кураш халқларнинг озодлиги, тараққиёт ва демократия учун, келгинларнинг зўравонлигидан, эски ва янги мустамлакачиликдан, реакция ва фашистлар диктатурасидан халос бўлиш учун олиб борилаётган кураш билан қўшилиб кетмоқда.

Ҳозирги вақтда мустаҳкам тинчлик ҳаёл эмас, балки бемалол эришиш мумкин бўлган мақсаддир. Эндиликда дунёда урушга қарши, кескинликни юмшатиш ва кенг кўламдаги халқаро ҳамкорлик учун курашаётган қудратли ижтимоий ва сиёсий кучлар мавжуд. Биринчи социализм мамлакати — Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик давлатларнинг изчил тинчликсевар сиёсати, капитал мамлакатларидаги меҳнаткашлар курашининг кучайиб бораётганлиги, миллий озодлик ҳаракатининг ўсганлиги, жаҳон демократик жамоатчилигининг кенг доиралари, тинчлик тарафдорлари қилаётган харакатлар янги жаҳон урушининг фатал равишда муқаррарлигини бартараф этади ва халқларнинг тинчликка бўлган интилишини рўёбга чиқариш учун реал имконият яратиб беради.

Эндиликда империализм тинчликнинг тақдирини ўзбошимчалик билан ҳал қила олмайди. Америка агрессорлари Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатишга ва музокаралар бошлашга мажбур бўлдилар. Ерда, сувда ва космик фазода ядро синовлари ўтказишдан воз кечиш тўғрисида шартнома тузилди, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома имзоланди. Бинобарин, халқлар жипслашиб актив ҳаракат қиладиган бўлсалар конкрет натижаларга эришиш мумкин.

Модомики, империализм мавжуд экан, ҳарбий можаролар хавфи гарчи сақланиб қолаверса ҳам турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши бизнинг давримизда реал иш бўлиб қолади. Лекин тинч-тотув яшаш халқ оммасининг империализмга қарши, унинг куч ишлатиш позициясида туриб ўтказадиган сиёсатига қарши доимо ва қаттиқ кураш олиб боришини тақозо этади.

Тинчлик учун кураш — социалистик давлатларнинг тинчлик йўлидаги ташаббусларини ҳам, Жанубий Вьетнам чангалзорларида Вьетнам ватанпарварлари қилаётган ғолибона жангларни ҳам, Европа ва Америка шаҳарларидаги урушга қарши намойишларни ҳам, япон халқининг Америка ҳарбий базаларига қарши курашини ҳам ўз ичига олади. Ишчилар синфининг монополистлар ҳукмронлигига қарши чиқишлари ҳам, Латин Америкаси халқларининг ҳарбий тўдалар диктатураларига қаршилиги ҳам, Осиё ва Африка мамлакатларидаги мустамлакаларга қарши ҳаракатлар ҳам, АҚШдаги негр аҳолисининг ўз ҳуқуқлари учун кураши ҳам тинчлик ишига хизмат қилади. Шу курашда қатнашаётган ҳар бир киши ишчи корхонасидамн, деҳқончилик билан машғулми ёки лабораторияда меҳнат қилаяптими, бундан қатъий назар тинчликни ҳимоя қилишнинг муштарак ишига ҳисса қўшмоқда.

Биз меҳнат аҳлига — ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларга, фан ва маданият арбобларига, инсониятнинг меҳнати ва ижодий куч-ғайрати билан бунёдга келган самараларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш истагида бўлган ҳамма кишиларга;

ўз фарзандларининг келажаги тўғрисида қайғураётган оналарга ва оталарга;

эзгу режалар ва орзуларни рўёбга чиқаришга, куч ва ғайратини ўз мамлакатларининг равнақига бағишлашга интилаётган ёшларга ва студентларга;

ўз халқларининг тақдири учун ташвишланаётган парламент аъзоларига, давлат арбобларига ва сиёсий арбобларга;

сиёсий партияларга, касаба союзларга, жамоат ташкилотларига ва ҳаракатларига;

диний жамоаларга ва бирлашмаларга, турли динлардаги кишиларга;

тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракатлари ва урушга қарши кампанияларнинг қатнашчиларига;

ҳамма эркакларга ва аёлларга мурожаат қилиб, айтамизки:

Вьетнамдаги АҚШ агрессиясининг тўхтатилишини, Америка қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини, вьетнам халқининг суверен ҳукуматлари ҳурмат қилинишини — Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик берилишини талаб қилингиз;

Яқин Шарқдаги Исроил агрессияси оқибатларининг БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси асосида тугатилишига эришингиз;

эски ва янги мустамлакачилкнинг батамом тугатилиши учун, барча мазлум халқларнинг мустақилликка эришмоғи учун, Португалия мустамлакачиларининг урушлари тўхтатилиши, Жанубий Африкадаги ва ҳамма жойлардаги шармандали ирқчиликнинг барҳам топтирилиши учун, чет эл монополияларининг ғумашталари бўлган сотқин режимларнинг йўқотилиши учун курашингиз;

давлатларнинг социал тузумидан қатъий назар, уларнинг тинч-тотув яшаши принципларини тўлиқ амалга оширилиши учун, халқаро кескинликнинг юмшатилиши, ҳал этилмаган халқаро масалаларнинг музокаралар йўли билан бартараф қилиниши учун, империалистларнинг халқлар мустақиллиги ва суверенитетига, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига қилаётган ҳамлаларига қарши, мамлакатлар ўртасидаги кенг кўламда тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтиринг.

Биз кейинги жаҳон урушини бошдан кечирган ва унинг дахшатларини эсдан чиқармаган кишиларга, Европада тинчликни ҳимоя қилаётган ҳамма кишиларга, шу жумладан Ғарбий Германиянинг тинчликсевар жамоат кучларига ҳам мурожаат қилиб айтамизки:

Германия Федератив Республикаси ўтказаётган территориал даъволар сиёсати йўлига, унинг ядро қуролини қўлга киритиш муддаоси йўлига гов солайлик, янги нацизм кучларини даф бўлишга мажбур этайлик!

Иккинчи жаҳон уруши натижасида Европада вужудга келган реал аҳволни, мавжуд чегараларнинг дахлсизлигини эътироф этиш, Германия Демократик Республикасини эътироф этиш — Европа қитъасида мустаҳкам тинчлик бўлишининг энг зарур шартлари ана шулардир.

Европада коллектив хавфсизликнинг самарали системасини вужудга келтириш ва дунёнинг ҳарбий гуруҳларга бўлинганлигини тугатиш учун, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини ўрнатиш учун курашни қизитиб юборайлик. Варшава шартномасидаги давлатларнинг Будапешт кенгаши таклиф этганидек давлатларнинг умумевропа кенгашини ўтказиш бунга йўл очган бўлур эди.

Ер юзидаги тинчлик «қўрқув мувозанати»га таяниши мумкин эмас. Қуролланиш пойгаси тўхтатилмас экан мустаҳкам тинчлик ҳам бўлмайди.


Ер куррасининг турли районларида атомсиз зоналар вужудга келтиришга, ядро қуролининг ҳар қандай синовларини тақиқланишига, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг тезроқ кучга киритилишига ва бу шартномада ҳамма давлатларнинг иштирок этишига, ядро қуролининг тақиқланишига ва унинг запасларн тугатилишига эришмоқ зарур.

Ўзгаларнинг территорияларидаги ҳарбий базаларнинг тугатилишини, мамлакатларни ўзларига зўрлаб қабул қилдирилган агрессив ҳарбий пактлардан халос қилишни, химиявий ва бактериалогия қуролининг ҳамма турларини самарали халқаро тақиқлашни талаб қилиш лозим.

Тўла ва батамом қуролсизланишга изчиллик ва қунт билан ҳаракат қилмоқ лозим.

Биз, коммунистлар ҳамма сиёсий партиялар ва халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликдан иборат ленинча ғояларга чексиз содиқ бўлиб келдик. Аввал бўлганидек, ҳозир ҳам милитаризм, агрессия ва уруш сиёсатига қарши чиқаётган ҳамма кишилар билан биргаликда ана шу олий, умумбашарий мақсадлар учун курашаверамиз. Шу мақсадга биз жуда турли-туман ижтимоий ва сиёсий кучлар билан алоқаларни ривожлантиришга ва ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучларнинг бирлиги — замонамизнинг амридир. Биз бир бутун бўлиб жипслашсак Ер юзида муқаддас тинчлик ишининг ғалабасини таъминлай оламиз!



«Ташсельмаш» заводи тайёрлаётган пахта териш комбайнлари кўпгина қардош социалистик мамлакатларга ҳам жўнатилади.
СУРАТДА: заводнинг бош йиғув цехидаги конвейердан чиқаётган кенг қаторли пахта териш комбайнлари.

М. Нуриддинов фотолари.

Аҳил коллектив

«Главташкентстрой»нинг 3-трестига қарашли 5-қурилиш бошқармаси коллективи йилдан-йилга янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритиб, пойтахтимизни обод ва озода қилишдек умумхалқ ишига улуш қўшиб келяпти.

Аҳил коллектив ўтган йили ҳам самарали меҳнат қилиб IV кварталда Бош бошқарманинг учинчи даражали пул мукофотини олишга сазовор бўлган эди. Улар бу йил ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Уларнинг бу йилги режалари ҳам чакки эмас. Бош пудрат бўйича 4 миллион 550 минг сўмлик ўз кучлари билан эса 1,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этишлари керак.

Ана шундай олий мақсад йўлида меҳнат қилаётган бошқарма аҳли бригадалараро социалистик мусобақани янада авж олдириб, иш сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда тежамкорликка катта эътибор беряпти.

Қурувчилар кучи билан йил охиригача 18 минг квадрат метр ҳажмдаги турар-жой, 2 та 280 ўринли боғча, иккита 1000 ўринли мактаб, битта 854 ўринли ёшлар кафе ҳамда бир нечта маданий-маиший бинолар қурилиб фойдаланишга топширилади.

Биринчи кварталда барча объектларда иш бир маромда бориши билан бирга Сталинов кўчасида битта 20 квартирали уй-жой, биноси яхши баҳога топширилди. Май ойида эса Рисовая кўчасида битта 96 квартирали турар-жой, Ғиждувон кўчасида битта 280 ўринли болалар боғчасини қўлдан чиқариб, фойдаланишга тахт қилиб қўйдилар.

Бу ишларнинг амалга оширилишида бошқарманинг Владимир Надцоков, Сафуат Абдудин, Янис Велярис, Борис Фетиломов, Абдулла Саматовлар раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари доимо сифат ва суръат учун курашиб, юқори меҳнат натижаларини қўлга киритмоқдалар.

Бу аҳил бригада аъзолари қураётган объектлар яхши баҳоларга қабул қилиниши билан бирга материалларни сарамжом-саришта сақлаб, давлатга иқтисодий фойда келтирмоқдалар.

Ўтган йилнинг ўзида бошқармадаги хўжалик ҳисобида ишловчи В. Надцоков, Я. Велярис, С. Абдулин бошлиқ коллективларга қурилиш материалларини тежаб-тергаб сарфлаганликлари эвазига 450 сўм қўшимча ҳақ тўланди.

Бу меҳнат ютуқлари ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта. Ишбилармон, ташкилотчи раҳбарлар илғор иш методларидан оқилона фойдаланиб, уларни меҳнат жараёнида қўллаб келаётганликлари коллективнинг шон-шуҳратини тобора оширяпти.

Меҳнат майдонида жавлон уриб ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан кўпчиликка намуна бўлаётган оддий ишчи Қурбон Исмонлов, ғишт терувчи Владимир Прелов, дурадгор Степан Соловьёв, тунукасоз Абдуқодир Маюсупов ва бошқаларнинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Коллективда илғор, изланувчан рационализаторлар сони тобора ортиб боряпти. Ишлаб чиқариш-техника бўлимининг инженерлари Муҳаммадамин Тоҳиров, Лев Демешко, шу бўлим бошлиғи ўринбосари Ромзин Мухиддиновлар шулар жумласиданднр. 1969 йил бошқарма 10 та рационализаторлик таклифи эвазига 25 минг сўм фойда олишни кўзда тутган эди. Амалда ҳозиргача 6 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиб, 45 минг сўм иқтисод қилинди.

— Бошқармамиз қурувчилари, — дейди партия ташкилотининг секретари Лев Демешко, — беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун куч ва ғайратларини сарфлаб, меҳнат унумдорлигини оширишга астойдил ҳаракат қиляптилар.

Дарҳақиқат, аҳил коллектив ягона мақсад йўлидан бориб, май ойида бош пудрат бўйича 418 минг, ўз кучлари билан эса 134 минг сўмлик қурилиш - монтаж ишларини бажарди.

Шу кунларда бошқарма бинокорлари зиммаларидаги топшириқларини ортиғи билан адо этиш, бригадалараро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, барча объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб армуғон ҳозирлаш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.



Тошкент темир йўл тармоғи Салор станциясининг коллективи муҳим халқ хўжалиги юклари ортилган вагонларни ўз вақтида бўшатиб, жўнатиб турибди.

СУРАТДА: станциянинг зарбдор темир йўлчилари — тепловоз машинистининг ёрдамчиси Саидали Нуралиев ва поезд тузувчи Турсун Болтабоев.

• *Янги лойиҳалар*

ИККИ ДУРДОНА

ШАҲРИМИЗДА ҳар куни янгидан-янги турар жойлар, маъмурий ва маиший бинолар, маданият масканлари, жамоат бинолари қад кўтармоқда. Республикамиз партия ва ҳукумати, қурилиш министрликлари ва бошқармалари, Ўзбекистон ССР қурилиш ишлари бўйича давлат комитети, барча меъмор ва қурувчи инженерлар шаҳримизнинг чиройли ва замонавий бўлиши учун курашмоқдалар.

Бу олижаноб ва масъулиятли ишда, айниқса Ўзбекистон лойиҳа институтлари, лойиҳачи меъмор ва қурувчи инженерларнинг фаолиятларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Янги жамоат биноси ёки маъмурий бино қурилиши мўлжалланар экан, бу бино замонавий, кўркам, шу билан бирга қулай бўлиши лозимлиги лойиҳачи меъморлар олдидаги биринчи вазифа бўлиб турибди. Яна шуни ҳам айтиш лозимки, Ўзбекистон меъморчилик санъати кун сайин ривожланиб, камолотга эришмоқда. Халқимиз дидига мос, замонавий бинолар қуриш билан бирга, Ўзбекистон миллий меъморчилик санъати асосида янги ўзбек совет архитектурасининг устахонасини яратмоқдалар.

Бу янги ўзбек совет архитектурасининг биринчи очиласига Тошкент Политехника институтининг профессори А. Бобохонов, «ТашЗНИИЭП» тажриба зонал лойиҳа институтининг архитектори М. Тўхтахўжаева, республика Маданият министрлиги қошидаги тарихий ёдгорликларни сақлаш Давлат комитетининг бошлиғи, архитектура фанлари кандидати П. Зоҳидов, Тошкент шаҳар бош архитектори А. В. Якушев, Тошкентдаги махсус илмий реставрация лойиҳа устахонасининг директори О. Зайнутдинов ва бошқа ўртоқлар киradилар.

Ҳозир бу архитекторлар очиласи янги, ҳали қалбида ижодий куч жўш уриб турган ёш архитекторлардан Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати, «Узгоспроект» архитектори Санд Эшонҳўжаев, Ўзбекистон архитекторлар союзининг раиси, ёш архитектор Фарҳод Турсунов, ёш олимма, Ўзбекистон санъатшунослик институтининг ассистенти архитектор Тўлқинхон Қодирова, «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг архитектори, Ҳамза номли Республика Давлат мукофотининг лауреати Юра Холдеев, «Узгоспроект» лойиҳа институтининг архитекторлари, Ҳамза номли Республика Давлат мукофотининг лауреатлари Володя Березин, Серго Сутягин каби меъморлар билан тўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон архитекторлар союзи эълон қилган, «Ўзбекистон Олий Советининг мажлислар зали» ва «Ўзбекистон пахтакорлар саройи» — янги биноларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги конкурсда кўп архитекторлар куч синашди.

Бизда янги, ноёб бино қурилишидан олдин, унинг энг яхши лойиҳаси учун конкурс эълон қилиш яхши анъанага айланди. Конкурс қатнашчиларидан янги бино ўз функциясига монанд, кўриниши кўркам ва замонавий, барча қулайликларга эга ва арзон бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон ССР Госстройи ва республика Архитекторлар союзи ҳозир меъморларимиздан янги улкан биноларимиз бир хил бўлиб қолмаслиги, улар хилма-хил, шу билан бирга, ҳашаматли, ўзбек миллий архитектураси меросидан фойдаланилган ҳолда, иқлимимизга мос биноларни талаб этмоқдалар.

Мазкур конкурсни Ўзбекистон қурилиш бошқармаси — Госстрой, Ўзбекистон Архитекторлар союзи ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги министрлиги биргаликда ўтказмоқда.

Янги танлаб олинажак лойиҳага биноан Тошкентнинг Охунбобоев майдонидаги биринчи президентимиз ҳайкалининг орқа томонида улкан кошона қурилади. Янги саройда катта — минг ўринлик мажлислар ва турли анжуманлар зали, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ва сув хўжалигида социалистик ўзгаришлар музейи, қироатхона, 800 ўринлик ресторан, 60 ўринлик қаҳвахона ва 100 кишилик чойхона бўлади. Шу ернинг ўзида 300 кишига меҳмонхона, алоқа бўлими, 50 машинага гараж, маъмурий хўжалик ишлари комплекси қурилади.

«Пахтакорлар саройи» Пахтакорлар қурултойи, халқаро, Бутуниттифоқ, республика миқёсидаги илмий кенгашлар, конференция ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишига бағишланган катта мажлис ва турли анжуманлар ўтказиш ери бўлиб қолади. Бинонинг умумий ҳажми 16 минг куб метр бўлади.

Конкурс материаллари муҳокамасида қатнашган меъморлар янги лойиҳа муаллифлари билан уларнинг тажрибалари ҳақида кенг фикрлашдилар. Бу ерда жуда кўп танқидий ва қатъий талаблар, реал фикрлар баён қилинди.

Ҳозирги замон ўзбек архитектураси қадимий ўзбек архитектура ансамбларидаги нақш ва ўймакор ташқи жимжимадорлигини қайтариш эмас, балки ҳажм, миллий колорит, монументаллик каби ижобий принципларни олдинга сурган ҳолда Ўзбекистон шаҳарларига хос биноларни яратмоғи лозим.

Катта ҳажмдаги бинолар Ўзбекистон меъморчилигига хос хусусиятдир; шунинг учун катта-катта ансамбллардан ташқил топган улкан бинолар лойиҳасини яратишдан қочиш керак эмас.

Тошкентнинг Навоий кўчасидан В. И. Ленин номли майдонга кираверишда, чап томонда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар зали биноси қурилиши мўлжалланмоқда. Бу бино конкурсини Ўзбекистон архитекторлар союзи эълон қилди. Конкурсга 23 лойиҳа тақдим этилди. Ҳозирча конкурс давом этмоқда.

Бу ноёб бино В. И. Ленин майдонидаги маъмурий бинолар ансамбли билан уйғунлашиб кетиши, улардан архитектура жиҳатидан фарқ қилиши, шу билан бирга кескин ажраб қолмаслиги лозим. Бу, масъулиятли ва шарафли вазифадир.

Бу бинонинг қулай, кўркам ва замонавий архитектура кўринишда бўлиши учун Ўзбекистон архитектор ва қурувчи инженерлари бой тажрибаларини ишга соладилар.

Яқин келажакда В. И. Ленин номли майдондаги маъмурий бинолар комплекси яна бир дурдона бино билан бойийди. Бунинг учун меъморларимиз ижодий изланмоқдалар.

Д. РАҲМОНОВ,
лойиҳачи-инженер.

САМАРАЛИ ЁРДАМ

Совет ҳукумати мустақилликка эришиб, ривожланиб келаётган мамлакатларга молиявий ва техника ёрдами бериш билан бирга, шу мамлакатларнинг малакали миллий кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳам қондиришда самарали ишлар қилмоқда.

Бу борада Совет Иттифоқи ёрдами билан ана шу мамлакатларда бунёд этилаётган саноат ва хўжалик иншоотлари малакали миллий кадрлар тайёрловчи мактаб вазифасини ҳам бажармоқда. Масалан, ривожланиб бораётган мамлакатларда меҳнат қилаётган 57 минг совет мутахассислари иншоотларда ташкил этилган ҳунар-техника таълими мактабларида ва бевосита қурилиш майдонларида 145 минг ишчига турли касбларни ўргатдилар, шунингдек 30 мингдан ортиқ киши Совет Иттифоқи корхоналарида ишлаб чиқариш-техника таълимини олди.

Совет Иттифоқининг бевосита илмий-техника ҳамкорлигида барпо этилаётган 600 та иншоотнинг 100 га яқини ўқув юртлари (институт, техникум, ўрта ва техника мактаби, ҳунар-техника ўқув марказлари) бўлиб, булардан ҳозиргача 50 таси фойдаланишга топширилган.

Фақат яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида Совет Иттифоқи ҳамкорлигида қурилаётган ва ташкил этилаётган 70 та ўқув юртларидан 50 тасида ўқув ишлари бошлаб юборилди. Шу тариқа малакали миллий кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшилди. Совет Иттифоқининг техника ҳамкорлигида Бирлашган Араб Республикасида барпо этилган 40 дан ортиқ ўқув марказида 1967 йилгача бўлган маълумотларга мувофиқ 18 мингдан ортиқ малакали ишчилар тайёрланди.

Совет Иттифоқининг бевосита илмий-техника ҳамкорлигида Афғонистонда қурилаётган ва мамлакат экономикасининг тараққиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган 60 дан ортиқ саноат корхоналари ва хўжалик иншоотларидан 40 таси фойдаланишга топширилди. Айни вақтда бу иншоотлар малакали миллий кадрларни тайёрлашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Масалан, Совет Иттифоқи мутахассислари ҳамкорлигида 1968 йилга қадар 33 минг афғон ишчиси турли касбларга эга бўлдилар.

Шунингдек, Совет Иттифоқи Афғонистоннинг юқори малакали инженер-техник кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, Қобилда 1200 студентга мўлжалланган Политехника институти, Мозори-Шарифда нефть бўйича мутахассислар ва геологлар тайёрлайдиган техникум, Қобилда Жангалак автомобилсозлик заводи заминида 700 ўқувчига мўлжалланган техникум қурилишида иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатмоқда.

Тошкент саноат корхоналари ва ташкилотлари қурилаётган халқ хўжалик иншоотлари учун Афғонистонга саноат ускуналари, жумладан, пахта тозалаш заводлари учун асбоб ускуналарини ва уларга керакли қисмларни, шунингдек, саноат ва халқ истеъмоли товарларини етказиб бермоқда. Тошкент мутахассисларининг мамлакат экономикасининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган сугориш иншоотлари ва электростанцияларни лойиҳаларини ҳам тайёрлаб бермоқдалар.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтида таҳсил кўрган афғонистонлик йигит Санд Фарух Ҳошим ривожланиб бораётган турли мамлакатлардан келган 30 нафар дўстлари билан бирга шу йили ўқишни муваффақиятли тугатиб, она юрти Афғонистонга йўлланма олди.

Афғонистонликлар Тошкентга фақат илм олиш учунгина эмас, балки хўжалигини ташкил этиш ва маданий қурилишнинг илғор усулларини ўрганиш учун ҳам келмоқдалар. Афғонистоннинг пахтачилик, қорақўлчилик мутахассислари, гидроэнергетиклари ва автомобилсозлари ўзбек ҳамкасбларининг бой тажрибаларини ўрганмоқдалар. Масалан, Афғонистоннинг бир гуруҳ мутахассислари Тошкентда 6 ой бўлиб, ўзбек автомобилсозлари ва гидроэнергетиклари тажрибаси билан мукаммал танишдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти уюштирган бир-бон олимларнинг Тошкентда ўтказилган халқаро йиғинида қатнашган афғон мутахассиси Муҳаммадҳўжа етакчи олимларнинг маърузаларини тинглаш шарафига муяссар бўлди.

Афғонистонлик мутахассислар Эрон, Покистон, Венгрия ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ва олимлари билан бирга, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотнинг Тошкентда ўтказилган халқаро семинарида қатнашиб, республикамиздаги илмий-тадқиқот институтларн олимларининг маърузаларини тингладилар, шунингдек қорақўл қўйларини боқиб ўстириш тажрибаси билан, қорақўл селекцияси ва ветеринария ҳизмати билан мукаммал танишдилар.

Афғонистон гидроэнергетиклари делегациясининг раҳбари Султон Аҳмад Попол Тошкентга келган вақтида Ўзбекистоннинг Афғонистон учун малакали кадрлар тайёрлаш ишида ҳам самарали ёрдам кўрсатаётганлиги тўғрисида гапириб, жумладан бундай деган эди:

«Биз сизнинг мутахассисларингиздан яхши ишлаётганликлари ва бизга малакали ёрдам кўрсатаётганликлари учунгина эмас, балки бизнинг миллий кадрларимизни билимли қилаётганликлари учун ҳам миннатдормиз».

Бу сўзлар совет-афғон дўстлигига берилган юксак баҳодир.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА



Корея Халқ Демократик Республикаси.
СУРАТДА: оғир машинасозлик заводининг цехларидан бирида.

ЦТАК—АПН фотоси.

ЭКСПОЗИЦИЯ МАВЗУИ—ЛЕНИННОМА

ГАВАНА. (АПН-мухбири). Куба пойтахтида Совет филателиясининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган кўргазмаси очилди. Стендларга СССР да чиқарилган хилма-хил тематикадаги почта маркалари ва меморпал открыткалар қўйилган. В. И. Ленинн тасвирланган конвертлар, открытка ва маркалар марказий ўринни эгаллайди.

Кўргазма томошабинлари Ленин гояларининг ҳаётга тадбиқ қилиниши, совет халқи томонидан космосинг ўзлаштирилиши, СССР таркибига кирган миллий республикаларнинг ҳаётини ва маданиятн ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар олдида узоқ вақт тўхтаб қолмоқдалар.

Ольга ЛИМА,
куба журналисти.

ГОНДУРАСДА СУВ ТОШҚИНИ

ПАРИЖ. Гондурас пойтахти Тегусигальпадаги сув тошқини вақтида 15 киши ҳалок бўлди ва 50 га яқин киши бедарак йўқолди. Қаттиқ тропик ёмғир ёғиб, шу шаҳардан ўтадиган дарё тошиб кетганлиги натижасида тошқин бўлди. Қарийб 500 киши бошпанасиз қолди.

Франс пресс агентлигининг мухбири шуни хабар қилади.

(ТАСС).



Антуан Маниpамра Бурунди республикаси нинг етук реалист рассомларидан бири.
СУРАТДА: А. Маниpамра рассомчилик мактабининг ўқувчиларига ўз асари ҳақида сўзлаб бермоқда.

В. ЕВСЕЕВ фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ФРАНЦИЯ ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ АХБОРОТИ

ПАРИЖ. Франция ички ишлар министри Р. Марселен метрополияда ва денгиз орқасидаги баъзи территориялар ҳамда департаментларда президент сайлови иккинчи даврасида овоз бериш якунларини матбуот конференциясида эълон қилди.

Овоз беришда Франциядаги сайловчиларнинг 69, 01 процента қатнашган. Бюллетенларнинг 64, 53 процента ҳақиқий деб топилган.

Ж. Помпиду учун овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 57, 78 процента, яъни 10 миллион 801 минг 932 сайловчи овоз берди. А. Поэр учун 7 миллион 895 минг 821 киши ёки сайловларда қатнашган барча сайловчиларнинг 42. 22 процента овоз берди.

Шундай қилиб, Жорж Помпиду Франция республикаси тарихида 19-президент бўлиб қолди. Давлатнинг яғни бошлиғи сайловлар иккинчи даврасининг натижалари расмий равишда тасдиқлангандан кейин 20 июнда ўз лавозимини бажаришга киришади.

(ТАСС).

«Фарғона хотин-қизлари»

Ўзбек хотин-қизлари мамлакатимизнинг сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётида актив қатнашиб келмоқда. Уларнинг меҳнати шон-шараф ва ҳаҳрамонлик ишига айланган. Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган О. Фаёзова ва С. Қўлдошеваларнинг «Фарғона хотин-қизлари» рисоласида ўзбек хотин-қизларининг ана шундай олижаноб фазилатлари ҳикоя қилинади.



Воҳид Ғуломов «Ташкенткабель» заводининг ветеран ишчиларидан бири, шу корхонада 20 йилдан буён баранали меҳнат қилиб келади. Кўплар қатори бу пешқадам ишчи ўзининг беш йиллик топшириғини шу йилнинг ноябрь ойида адо этишга аҳд қилган.

СУРАТДА: кабелчи В. Ғуломов.

И. Глауберзон ва В. Сиротинн фотоси.

ПЕРУДАН СЎНГ...

ЧИЛИДА мамлакатда хўжайинлик қилаётган америка мис компания корпорациясини национализация қилиш учун кампания авж олиб кетди. Коммунистик, социалистик ва социал демократик партиялар, халқ социалистик иттифоқи партияси, радикаллар, Чили меҳнаткашлари ягона касаба союз маркази ва бошқа жуда кўп ташкилотлар, жумладан ҳукмрон христиан-демократик партиядан ажралиб чиққан сўл группа национализация қилишни талаб қилмоқдалар.

«Чили президенти Фрей,— деб ёзди «Нью-Йорк таймс» газетаси,— национализм ва Америкага қарши кайфиятнинг шундай хуружига дуч келмоқдаки, бундай хуруж Перу ҳарбий ҳукуматини ўтган йилнинг октябрида Интернэшнл петролеум компаниясн мулкини мусодара қилишига тўртки бўлди».

Чилида Америка Анаконда коппер майнинг кон руда монополиясининг Чили эксплорейшн, Андес коппер майнинг ва Экзотика деган учта филиали иш олиб бормоқда. Бу компаниялар мамлакат шимолидаги фақат мис рудасигагина эмас, балки бошқа қазилмаларга ҳам бой бўлган ерларни ўз қўлига киритиб олган. Улар Чили табиий бойликларини ва арзон ишчи кучини эксплуатация қилиш ҳисобига гоят катта фойда олмоқдалар. Чили матбуотининг келтирган маълумотларига қараганда, Американинг мис компаниялари мамлакатда хўжайинлик қила бошлаган 50 йил давомида Қўшма Штатларга тўрт миллард доллардан кўпроқ пул олиб кетган.

Америка концернлари Чили экономикасидаги ёғлик жойни ташлаб кетишни истамайди. Улар Чили ҳукмрон доираларидаги чет эл компанияларини «Чилилаштириш» ни, яъни акцияларнинг бир қисмини Чили давлатига топширишни талаб қилаётган элементлар билан тил топишга тайёрдирлар.

Бироқ Чили прогрессив жамоатчилиги асосий вазифа Анаконда филиалларини национализация қилишдан иборат деб ҳисобламоқда. «Национализация қилиш— проблемани ҳал қилишнинг бирдан-бир бир тўғри йўлидир»,— деб ёзди Чилининг «Сигло» газетаси. Чилиликлар национализация қилиб, ўз бойликларидан ўзлари фойдалана оладилар, бу эса, деб ёзади газета, Чили экономикасини юксалтиради ва халқнинг турмуш шароитини яхшилайди.

(«Новое время» дан).

КАТТА ҲАЁТ ҚУЧОҒИГА

Ёшлик ҳосилга кирди. Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги йигит ва қизларимиз яқин кунларда етуклик аттестатини олиб, катта ҳаёт қучоғига парвоз қиладилар. Улар ҳозир қайси олий ўқув юртига кириб ўқиш, қандай касб-ҳунарни танлаш, келажакда қайси соҳанинг эгаси бўлиш тўғрисида ширин орзу-умидлар билан яшашмоқда.

Мактабларнинг ўқитувчилари, ота-оналар комитетлари, олий ўқув юртининг педагогик коллективлари, турли ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари ва бутун жамоатчилик ташкилотлари ёшларимизнинг ўқишга ва ишга жойлашишида раҳнамолик қиладилар.

Қуйида ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Ўқ йўл

Ирмоқлар дарёларга қўйилади, дарёлар эса уммонларга оқади. Агар таъбир жоиз бўлса, мактабларимизни тамомлаб катта ҳаётга кириб келаётган забардаст, билимли, меҳнатсевар ёшлар оқимини ирмоқларга қиёс қилса бўлади. Бу «ирмоқ»лар катта дарё ва уммонларга қўшилади.

Эрта-индин ёшларимиз етуклик аттестатини олишиб, олий ўқув юртларига, техникумларга, завод-фабрикаларга, турли ишлаб чиқариш корхоналарига йўл оладилар.

Коммунизм қурувчи ана шу ёш авлод мактабда ўн йил билим олиб, ҳамма фан асосларини чуқур ўрганиб, ҳаётга етук кишилар бўлиб тарбияландилар. Бизнинг районимиз мактабларида ўқиган ёшлар ҳам катта ҳаёт йўлига пухта билим ва етуклик билан чиқиб келмоқдалар.

Чилонзор районидаги 58 та кундузги ва 14 та кечки мактабларда меҳнаткашларимизнинг болаларига чуқур билим ва меҳнат кўникмаси берилди, жами бўлиб 3045 ўқитувчи сидқидилдан ишлади.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, райондаги ҳамма мактаблар янги, замонавий типда қурилган. Мактабларимизда лабораториялар, фан кабинетлари, тажриба участкалари, қўйинг-чи, ўқиш-ўқитиш ишларини намунали олиб боришга ҳамма шароитлар яратилган. Якунланаётган ўқув йилида барча мактабларимизда 63 минг ўқувчи таълим-тарбия олди. Синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари яхши натижалар билан тугалланди. Ҳозирги кунда давлат имтиҳонлари қизғин давом этмоқда.

Мактабларни тамомловчи 3 минг 45 ўқувчи яқин кунларда жонажон мактаблари билан хайрлашадилар. Ўн олти-ўн саккиз ёшлардаги йигит-қизларимиз ўзларига мос касб танлашда қийналадилар албатта. Чунки, ёшликда киши ўз қобилиятини, ҳаётда мавжуд мутахассисликларнинг моҳиятини яхши тушуниб етмаслиги мумкин. Бу эса, кейинчалик баъзи хатоликлар ва кўнгилсизликлар келтириб чиқаради. Бундай ҳолларнинг юз бермаслиги учун ёшлар билан суҳбатлар, мунозара кечалари ва турли соҳадаги меҳнат илғорлари билан учрашувлар ташкил этиш лозим.

Бизнинг районимиздаги деярлик ҳамма мактабларда меҳнат ва билим, касб танлаш, келажакда қайси соҳа кишиси бўлиб етишиш мавзусида кечалар ўтказилди ва ўтказилмоқда. Айниқса, 82, 107, 138, 162, 163, 168, 179 ва 228-ўрта мактабларда ўтказилган кечалар ғоят мароқли бўлди. Ёшларимиз олий ўқув юртларида ўқишга, завод-фабрикаларга бориб ишлаш ва шу билан бирга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини оширишга аҳд қилганликларини айтдилар. Бу йил 10 ва 11-синфларни тугатувчи 1880 йигит-қиз турли корхоналарда, жумладан Тошкент тўқимачилик комбинатида ишламоқчилар.

Партия ва ҳукуматимиз ёшларимизнинг билим олиши ва меҳнат қилишига ҳамма зарур шароитларни яратиб берганлар.

Одобли, билимли ва меҳнатсевар ёшларимизни олий ўқув юртлари, завод-фабрикалар ва турли ишлаб чиқариш корхоналари қучоқ очиб кутмоқда. Оқ йўл, азамат ёшлар!

Султон АҲМЕДОВ,
Чилонзор район халқ маорифи бўлимининг мудири.



Ҳакима Зокирова «Подшипник» заводининг тажрибали ишчиси. У ўрта ҳажмдаги подшипникларни ниҳоятда аниқлик ва юқори сифат билан тайёрлайди. Бу меҳнаткаш аёл кўпгина ёш ишчиларга ўз касбини қунг билан ўргатмоқда.

СУРАТДА: Ҳ. Зокирова.

Нашъали ҳаёт

Ёшларимиз нашъали ва бахтли ҳаётда яшашмоқда. Уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, истаган касб-ҳунарни эгаллашлари учун партия ва ҳукуматимиз ҳамма шарт-шароитларни яратиб берганлар.

Ҳозир бизнинг районимизда 52 та кундузги, 11 та кечки мактаблар, 76 та болалар боғча-яслилари бор. Мактабларимизнинг деярли ҳаммаси замонавий янги биноларга эга. Кейинги уч йил ичида фақат бизнинг районимизнинг ўзида 14 та янги мактаб ва 15 та болалар боғча-яслилари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Якунланаётган ўқув йилида район мактабларида 70 минг бола таълим-тарбия олди. Уларга 2800 ўқитувчи фан асосларидан билим берди.

Ўқитувчиларимиз ўз малакаларини тинимсиз ошириб боратганликлари, дарслар янги, илғор методлар асосида ўтилаётгани ва мактабларда шарт-шароитларнинг яхшиланган туфайли ўқитиш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Ўқув йилининг ярми давомида 720 ўқитувчи «2» сиз ва икки йилликсиз ишлагани, ўқувчиларимизнинг 50 процентдан кўпи нуқул «4» ва «5» баҳоларга ўқишгани, синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари энг юқори кўрсаткичда ўтгани фикримиз далилидир.

Ҳозир районимиздаги кундузги ва кечки мактабларда битирувчи ёшлар давлат имтиҳонларини топширмоқдалар. Дастлабки натижалар жуда қувонарли ва самарали бўлди, пухта билим берилгани яққол кўринди.

Районимиз ёшлари етуклик гувоҳномаси билан олий ўқув юртларига, завод-фабрикага ва турли корхоналарга отланадилар. Биз районимиз мактабларини битираётган 3645 ёшга оқ йўл тилар эканмиз, уларнинг ишга ва ўқишга кириб олишларида мактаблар, ота-оналар комитетлари ва бутун жамоатчилик яқиндан ёрдам беради, доимий назорат қилади деб ишонамиз.

С. САИДАҲМЕДОВ.
Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири.



Шаҳримиздаги олий ўқув юртларида ёзги имтиҳон сессияси муваффақият билан ўтмоқда. Сиз суратда Энгельс номли Тошкент чет тиллар педагогика институтининг ёзги имтиҳонларини муваффақият билан топшираётган студентларини кўриб турибсиз.

Қувончли режалар

Инсон ўзининг меҳнатсеварлиги, билими ва ақл-заковати ажойиб мўъжизалар яратяпти. Бунинг сири нимада?

Уйнинг заминн пухта бўлса, унинг қурилиши, ҳам сифати ҳам, мустаҳкамлиги ҳам яхши бўлади. Мактабда чуқур билим олган ўқувчи эртага олим, шифокор, педагог, инженер, токарь слесарь, қурувчи ва бошқа касбларни эгаламоқда.

Партия ва ҳукуматимиз ёшларни билимли, меҳнатсевар, чинакам коммунистик руҳда тарбиялаш учун барча шароитларни яратиб бермоқда.

105-мактаб қучоғида турли миллат вакиллари фарзандларидан 1280 ўқувчи билим олмоқда. Дарслар деярли кабинет усулида олиб борилганлиги, техника воситаларидан тўлиқ фойдаланганлиги ва ўқувчилар пухта билим эгаллаганликларини ўтган имтиҳонлар якуни яққол кўрсатди. Синфдан синфга кўчириш имтиҳонларининг деярли кўпчилиги нуқул «4» ва «5» баҳоларга қабул қилинди.

Бу йил 96 ўқувчи 10-синфни тамомлаш арафасида турибди. Булардан Олтой Каржов, Башорат Зокирова, Юлдуз Иброҳимова, Неля Мустафина, Икром Исроилов, Насиба Набихонова, Раҳим Шариповлар нуқул «5» баҳога ўқиб, олтин медалга номзод дирлар. 10 дан ортиқ ўқувчи айрим фанлардан пухта ўзлаштирганликлари учун «Фаҳрий ёрлиқ» оладилар.

8 синфларимизни 101 ўқувчи битирди. Улар 9 синфда ўқишни давом эттиришни техникумларга, завод-фабрикаларга бориб ишлаш истагини билдирдилар.

Ўтган йили мактабимизни битириб чиққан ўқувчилардан 50 га яқини ҳозир турли корхоналарда ишдан ажралмаган ҳолда ўқишмоқда.

Бу йилги 8 ва 10-синфларни битирган ўқувчиларимиздан 50 ёш ўқишни кечқурун давом эттириб, турли корхоналарда ишлашга аҳд қилдилар. Мисол учун ўқувчиларимиздан Кутби Тўйчиева тарбиячи, Абдували Сайдуллаев заводда, Илҳом Ёқубжонов қурилишда ишлашмоқчи.

Бизнинг мактабимизни «Узбексельмаш» заводи ўз оталиғига олган. Завод ёрдамида йигитлар слесарлик касбини, қизлар турли касбларни эгаллашди. Уларнинг ҳунар эгаллашларига катта имкониятлар яратилди.

Мактабни муваффақиятли тамомлаб катта ҳаёт кучоғига отланган йигит-қизларимизга оқ йўл тилаймиз.

Шомансур АҲМЕДОВ,
105-мактаб директори.

ҚИЗЛАР СЕВГАН КАСБ

Чеварлик қизларимизнинг энг севган касби десак бўлади. Бизнинг «Юлдуз» фирмамизда хотин-қизларимиз тайёрлаётган маҳсулотлар меҳнаткашларимизга маълум бўлмоқда. Бу маҳсулотларни тайёрлашда ёш чевар қизларимиз муносиб ҳисса қўшишяпти. Ёш чеварларимиз 36 процентни ташкил этади. Фирмамизнинг Октябрь район территориясига жойлашган 1-филиалида 70 процент чеварлар ёшлардан иборат.

Умуман, фирмада 800 дан ортиқ чеварлик касбига ихлос қўйган ёш қизлар меҳнат гаштини суришяпти.

Фирма шаҳримиздаги 19 ва 28-ишчи-ёшлар мактабларини ўз оталигига олган. Ёшларнинг ғоявий-сиёсий савияларини оширишга ва уларнинг малакали чеварлар бўлишларига катта эътибор беряпмиз.

Фирма қошида бир ойлик чеварлик курси ташкил этилган. Унда ўрта мактаблардан келган ёшлар ўқитилади. Ўтган йили бу курсни 67 ўқувчи тамомлаб, чеварлик касбини эгаллади.

Фирмамизда 26 чевар қиз олий ўқув юртларида, 312 қиз ўрта мактабларда ўз билимларини оширмоқдалар. Ўтган йили 32 киши техникумларнинг кечки ва сиртқи бўлимларини тамомлади. 8 ва 10-синфларни битириб ишлаётган 200 дан ортиқ ёшлар сиёсий ўқув тўгарагида ўз билимларини оширдилар.

9-синфларни битирган 150 га яқин қизлар ёзги каникулларини «Юлдуз» фирмаси чеварлари билан ўтказишга аҳд қилишди.

Фирмамизда ишлаётган чеварлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан кўпчилик ўртасида ҳурмат-иззат орттиришмоқда. Улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида ўз билимларини оширишяпти. 10-синфни битириб, бизда ишлаётган Мамлакат Тожибоева кунлик ва ойлик топшириқларини 140—150 процент адо этиш билан бирга, Тошкент Давлат университетининг 3-курсида ўқияпти.

Беш йил муқаддам ўрта мактаб қучоғидан келиб қўлига нина олган Фарида Толипова фирманинг фахри. Уни иккинчи марта Киров район Советига депутатликка сайлашди. У коллективимиз ишончини шараф билан оқламоқда. Р. Хўжаева, Х. Акромова, М. Зияҳўжаева, М. Олимжонова, Л. Махмудова каби ўнлаб ва юзлаб ишлаб чиқариш зарбдорлари меҳнат қилиш билан бир қаторда, олий ўқув юртларида ва ўрта мактабларда билим олмоқдалар. Биз бахтиёр ва меҳнатсевар бу ёшлар билан фахрланамиз.

Фирмамизга яна кўпдан-кўп ёшлар керак. Бу йил ўрта мактабларни кўп ёш қизларимиз тугатади. Қалби дарё ёшларга фирмамиз бағри доим очиқ.

Қўчқор ПЎЛАТОВ,
«Юлдуз» фирмаси директорининг ўринбосари.

Билим ва меҳнат кечаси

Пойтахтнинг Киров районидаги 51-мактабнинг катта акт залн билимга ва меҳнатга чорлайдиган шиорлар, ҳикматли сўзлар ва турли корхоналар ҳаётидан олинган фотолавҳалар билан безатилган. Бу ерга район мактабларининг битирувчи синф ўқувчиларидан 500 дан ортиқ ёшлар тўпланишган.

«Билим ва меҳнат» деб аталган мунозарасуҳбат кечасига олимлар, ишчилар, педагоглар келишди.

Суҳбатни Киров район халқ маорифи бўлимининг мудири, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи И. Туртаев очди. У, ўз сўзида райондаги мактабларни битирувчи 1729 ўқувчининг касб танлаши ёки ўқишни давом эттириши, турли касблар ва корхоналар ҳақида тўхталди.

Шундан кейин минбарга Ленин мукофоти лауреати, академик Е. Тўрақулов чиқади. У мазмунли ва мароқли суҳбатида ёшларни билим чўққиларини эгаллашга, қунт-сабот билан ўқишга чақирди. Сўнг фан оламида эришилаётган ютуқлардан гапириб берди.

«Узбексельмаш» заводи директори Носир Мирзараҳимов завод ишчилари, улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билимларини ошираётганликлари, меҳнатда обрў-ҳурмат қозонаётганликлари ҳақида сўзлади.

Йиғилишда олий ўқув юртлари, техникумлар, турли билим юртлари директорлари ҳам сўзладилар.

С. СУЛТОНОВ.

ТОБЛАНАЁТГАН ЁШЛИК

Меҳнат кишини улуғлайди, умрга умр қўшади. Шунинг учун ҳам халқимиз, меҳнатда синалган — элда азиз, деб бежиз айтмаган.

Мен кечқурун ўқиб, кундузи турли корхоналарда меҳнат қилаётган, ўз ёшликларини тоблаётган одобли-ахлоқли ёшларимизни кўриб фахрланаман.

Бизнинг 1-ишчи-ёшлар мактабимизда 300 га яқин серғайрат ёшлар турли фанлардан чуқур ва пухта билим олмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги Тошкент тамаки фабрикасида, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида, «Юлдуз» тикувчилик фирмасида меҳнат гаштини суряптилар.

Бу йил мактабнинг 3 та 11-синфини 76 ўқувчи тамомлайди. Ёшларнинг билими давлат имтиҳон комиссияларини мамнун қилмоқда.

Мактабдаги турли касб эгалари бўлган ёшларнинг билимга бўлган ҳаваслари, уни чуқур эгаллаш учун интилаётганликлари қувончлидир. Биз ўқувчиларимизга меҳнатда ва ўқишда катта муваффақиятлар тилаймиз.

М. АБДУЛЛАЕВА,
1-ишчи ёшлар мактабининг адабиёт ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси.



СУРАТДА: Тошкент Давлат университетининг студентлари Ж. Шермуҳамедова ва Саодат Ибодуллаевалар имтиҳондан сўнг.

Ҳ. Афзалов фотоси.

УСТОЗЛАР ИЗИДАН

Мен ўтган йили Тошкент чинни заводига келганимда устозлар илиқ кутиб олишди. Пишитиш цехининг бошлиғи Борис Николаевич Молюсков ва бригада бошлиғи Ҳикмат Назировлар менга ишни ўргатишди.

Пишитиш цехидаги ҳар бир иш жараёни завқли, ҳаяжонли ва нашъали ўта бошлади. Айниқса, бизнинг бригадамизга Коммунистик меҳнат бригадаси номи берилганлиги ҳаммамизни қизғин меҳнатга илҳомлантирарди.

Бутун коллективимиз фидокорона меҳнат қилиб, кунлик ва ойлик топшириқларини 150 процентдан бажариб келмоқда. Бригада аъзолари беш йиллик шахсий топшириқларини 1970 йил 22 апрелгача — доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунгача бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Мен ёш дўстларимизни бизнинг заводга келиб ишлашга таклиф қиламан.

Фозил ИЛҲОМЖОНОВ,
Тошкентдаги чинни заводи пишитиш цехининг ишчиси, Коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси.

МАРҲАБО, ДЎСТЛАР

Осмон ўпар пахта хирмонларини бунёд этишда азамат пахтакорларимиз қаторн, «Узбексельмаш» заводи машинасозларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бизнинг заводимиз Урта Осиё республикаларига қишлоқ хўжалиги машиналари етказиб бераётган йирик саноат корхоналаридан ҳисобланади.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети пленуми қишлоқ хўжалиги учун кўплаб машиналар ишлаб чиқаришга қаратилган қарорлар қабул қилган эди. Ана шу қарорга жавобан машинасозлар зиммасига масъулиятли вазифа юклатилди. Бу вазифани амалга ошириш учун кўплаб малакали ёш ишчилар зарур, албатта.

Бизда ёшларнинг меҳнат қилиш билан бирга, билим олишлари учун ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Заводимиз ёш ишчиларн 16-ишчи ёшлар мактабида фан асосларини ўрганмоқдалар. Шунингдек, заводимиз қошида Авиация техникумининг филиали очилган бўлиб, унда 250—300 ёш ўзларининг техника малакаларини оширмоқдалар.

Заводдаги ҳар бир иш билим ва тажриба талаб қилади. Ана шунинг учун ҳам ёш ишчиларнинг политехника асосларини чуқур ўрганиб олишлари ва ўз билимларини оширишлари учун завод маъмурияти бутун имкониятларни яратиб бермоқда. Бу ғамхўрликдан баҳраманд бўлаётган ёшлар, ишдан ажралмаган ҳолда ўрта ва олий маълумот олишга муяссар бўлмоқдалар. Жумладан, бу йил кечки мактабнинг 11-синфини битириш арафасида турган илғор ишчилардан А. Мильхерд, С. Умаров, В. Радченко, В. Абрамова ва бошқа ўнлаб ёшлар давлат имтиҳонларидан «4» ва «5» баҳолар билан ўтишди. 9-синф ўқувчиси Абдураҳмон Абдушоҳидов заводимизнинг 9-цехида етакчи токарлардан бўлиш билан бирга, ўқишда ҳам намуна кўрсатмоқда. В. Лапкина, В. Кузнецовлар олий ўқув юртининг III курсида ўқишади. Зарбдор юк ташувчи Эминжон Содиқов III курсни тамомлаш арафасида турибди. У келгусида юрист бўлмоқчи. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу йил ўрта мактабнинг 10 ва 11-синфларини битирган ва битириш арафасида турган ёшлардан заводимизга кўплаб аризалар олинмоқда. Бизда ёшлар меҳнат қилиш билан бирга, ўрта ва олий маълумот олмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам ҳар йили 200—250 дан ортиқ ёшлар заводимиз қучоғига келмоқдалар.

Марҳамат, сизларга заводимиз эшиги доим очиқ, ёш дўстлар!

Абдураҳмон ХУДОЙБЕРГАНОВ,
«Узбексельмаш» заводи комсомол комитетининг секретари.

ЕТУКЛИК

Ёшлик куч-ғайрати тоғ дарёсидек жўшқин бўлади. Бизнинг ёшларимиз эҳтиёжи ўткир, ақл-идроки кенг ривожланган, одоб-ахлоқ нормаларини тўлиқ ўзлаштирган кишилардир.

Мактабимизнинг 5 та 10-синфини бу йил 160 дан ортиқ йигит-қизлар тугатишади. Уларнинг ҳаммаси чуқур билимли, ахлоқ-одобли бир сўз билан айтганда, ҳаётга етук ёшлардир. Биз ёшларимиз билан ўқув йили давомида бир неча суҳбатлар ва кечалар ўтказдик. Улар мактабни тамомлагач, меҳнатда тобланишга, олий ўқув юртларида ўқишга ва бирор касб-ҳунар эгаллашга аҳд қилишганини айтишди. Йигит ва қизларимиз мактабимизни оталикка олган чинни заводида, 2-пойафзал фабрикасида, Тошкент хўжалик буюмлари заводида ва «Юлдуз» фирмасида ишлаш истагини билдирдилар.

Ю ШОКИРОВ.
Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

Ҳамкорликда

Халқимизнинг «қарс икки қўлдан чиқади» деган нақли жуда ўринли айтилган. 58-ишчи ёшлар мактаби билан Тошкентдаги «Трикотаж» фирмаси маъмурияти ўртасидаги ҳамкорлик ҳар икки томонга ҳам қўл келмоқда. Бундан икки йил муқаддам фирма оталигида кечки сменалик мактаб очилган эди.

Мана, бу йил мактабда ишчи-ёшлардан 353 киши билим олди. Синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари муваффақиятли якунланди. 5 та 11-синфни бу йил 103 ўқувчи ҳозир ишдан имтиҳонлар юқори кўрсаткичлар билан ўтмоқда.

Фирмада ўз нормаларини доим 120-130 процент адо этаётган ва жамоат ишларида ҳам актив қатнашаётган Сапура Собирхўжаева, Фотима Усмонова, Озода Алиева, Ақида Исамуддинова каби ўнлаб ўқувчиларимиз бу йил ўқишни муваффақиятли тамомлаб, етуклик аттестати оладилар. Ишчи-ёшларга қулай шароит яратиш мақсадида фирма қошида ҳам 4 та синф ташкил этилган. Буларда ҳам имтиҳонлар яхши ўтказилмоқда.

Мактабни тамомловчи кўпчилик ўқувчиларимиз фирмада ишда қолиш билан бирга, олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқишга аҳд қилишган. Уларга оқ йўл тилаймиз!

Илҳом ИНОҒОМОВ,
мактаб директори.
Довур МАШУНПИН,
мактаб касаба союз ташкилоти раиси.



Тошкентдаги геология асбоблари ремонт-механика заводида малакали ишчилар тайёрлашга катта аҳамият берилянти. Корхонага янги келган ёшлар тажрибали ишчиларга шогирд этиб тайинланади.

СУРАТДА: кўпгина ёш ишчиларга ҳунар ўргатиб келаётган темирчилик пресс цехининг пешқадам темирчиси коммунистик меҳнат зарбдори Нурмат Нумонов.

М. Нуриддинов фотолари.



Бу хотин эрини хўжайин, Атаманни эса ўғлон деб чақираркан.

— Бизнинг хўжайин шунақа, ҳечам гапимни иккита қилмайдилар. Хўш, сизники қанақа, дурустми?

Ойимнинг бу андишасиз гапга жаҳли чиққанини юзидан сездим.

—Хўжайин деб эрга айтиладими?

Атаманнинг онаси ажабланиб қўйди:

— Хўжайин деб эрга айтилади-да, овсин. Хўш, у кишиям гапга кўнадиган ҳиламанми-лар?

— Уй анча исиб кетганга ўхшайдими? — деди ойим гапни бошқа ёққа буриб.

— Ҳа, ўғлоннинг туғилган куни шарафига кўмирни аямай ёқдик. Батареялар қизиб кетди шекилли... Хўжайиннинг ўзлари яхши одамлар-у, аммо лекин жуда кўнгиллари бўшда. Ўғлоннинг шарафига батареялар қизиб турсин, деб тайинладилар. Ҳа, айтмоқчи, идораларида икки-уч секретарь қиз ишлайди. Ҳеч кераги йўқ шунча қизнинг. Эркак зоти шунақа бўларкан. Бирини олиб бирига урсин бўларнинг.

— Қани, дадангиздан бир хабар олинглар-чи, нима қиляпти экан, — деб ойим мен билан Метинни чиқариб юборди.

Эркаклар катта залда ўтиришган экан. Стол тўла ҳар хил ноз-неъматлар. Атаманнинг отаси билан гаплашиб ўтирган дадам бизни кўрибоқ энсаси қотди.

— Ойингни бир ўзини ташлаб кетибсанлар-да?!

Метин ўйлаб-нетиб ўтирмади:

— Узлари шу ёққа юборди-лар-ку.

— Булар ҳазратларига тегишлими? — деб сўради Атаманнинг дадаси.

— Ҳа, шундоқ.

— Умри билан берган бўлсин... Ҳа, нима деётган эдим? Эсимга тушди... Шу мен зиқна одамни ёмон кўраман. Мен сизга айтсам, хотин зоти зиқна бўларкан... Масалан, бизнинг хотинни олиб кўрайлик. Бозордан апелсин оладиган бўлса икки хилини танлайди. Бири яхшиси-ю, бири ёмон. Энг пачоқ, энг арзон апелсинни атайлаб хизматкорларга олади. Уларга шуниси ҳам бўлаверармиш. Хўв хотин, бу бемаънилигингни ташла, хизматкор ҳам сенга ўхшаган одам, дастурхон ҳаммага битта бўлиши керак, деб каминангиз тоза насиҳат қилди, бўлмади. Хотин кишига гап уқтириб бўлмас экан. Бу ишинг одамгарчиликдан эмас, десам ҳам тушунмайди. Хўв хотин, сен апельсиндан ўн қуруш[1] юлиб қоладиган бўлсанг, рўзғорга икки юз лиралик зарар келтиришинг мумкин. Чунки шу арзимаган нарса билан хизматкорларнинг нафсонияти оғрийди, охири у идиш-товоқ юваётганида икки юз лира турадиган чинни лаганни пақ этиб ташлаб юборади-да, қўлимдан тушиб кетди, деб баҳона қилади. Минг марта айтдим бу гапни. Қани бунинг фаҳмига етса...

— Бор, ойнгнинг олдига жўналаринг! — ҳайдаб берди дадам бизни.

Ҳаммамиз тоза зерикдик. Болаларнинг қий-чуви жонига тегди шекилли, меҳмон аёллардан бири:

— Бола-чақа билан бир жойга ҳечам бориш керак эмас. Қулоқни қоқиб, қўлга беришади,—деди ёнидаги жувонга энгашиб.

Дадам:

— Кетайлик, энди бас, деб шипшиган эди, ойим кўймади.

— Бир пас турайлик... Дарров кетсак айб бўлади.

Атаманнинг отаси газета кўтариб келиб қолди.

— Каминангиз йўқсил болаларга қўлдан келганча ёрдам бериб келадилар, — деди у дадамга қараб. — Ҳар байрамда қуруқ қўймайман. Буни қаранг, шуни ҳам ёзиб чиқишибди-я...

Ёш болаларни бир жойга тўплашди. Атаманга тақдим этилган совға-саломларни столга териб қўйишибди. Хона димиқиб кетган экан, дераза-ни очиб юборишди. Метин икковимиз роса терлаган эканмиз, дераза-га яқинроқ келиб турдик. Бир пастда тумов бўлдик. Зотилжам шу ердан бошланди.

Дадам мезбонлардан кетишга рухсат сўраган эди, Атаманнинг отаси жавоб бермади.

— Бу қанақаси?! Овқат пишсин, бир-икки қадахдан отайлик, кейин кетарсизлар.

Дадам зарур иши борлигини айтиб, узр сўради.

Кўчага чиқдик.

— Айб менда, кечирасан, — деди ойим дадамнинг хуноби ошганини кўриб. — Бунақа бўлишини билмовдим. Ойиси ҳадеб чақиравергани-дан кейин ваъда бериб қўйган эдим. Нима қилай, гапини қайтаролмадим...

Эртаси куни иситмам ўттиз тўққизга чиқди.

Хатингда Ҳикматнинг ҳоли кейин нима кечади, деб сўраган экансан. Ҳикмат бир ҳафтадан бери мактабда кўринмайди. Бечорага нима бўлдийкин, билмайман. Бирортамиз ҳам уйини билмас эканмиз. Унинг бошига тушган кулфат менга қаттиқ таъсир қилди. Шунга кўра бу ҳақда хатнинг охирида ёзяпман.

Менга ўхшаб сен ҳам кечикиб жавоб ёзмассан, деб умид қиламан.

Зайнаб ЕЛҚИР.

ҚЎЛБОЛА ДОНИШМАНД

Зайнаб.

Сенгаям, уканггаям саломатлик тилайман. Бундан кейин касал бўлманглар. Ойинг мени эслабдилар. Раҳмат. Жуда хурсанд бўлдим.

Атаманнинг туғилган куни қандай ўтганини жуда чиройли қилиб таърифлабсан.

Биласанми, мен шу вақтга қадар бирор марта ҳам туғилган кунимни нишонлаган эмасман. Бизнинг уйимизда бунақа одат йўқ, қолаверса, мен ҳам бошқаларнинг туғилган кунига бормайман. Ростини айтсам, умримда бир марта шунақа маросимда бўлганман. Ушанда ойим билан қариндошимизникига меҳмонга борган эдик. Қариндошимизнинг қизи мени бир дугонасининг туғилган кунига олиб борди. Меҳмонга борганимизда иккита қизиқ воқеа рўй берди. Ҳали-ҳали буни эслаб юраман.

Келганларнинг орасида бир шум бола бор экан, ўша кўп маш-машаларга сабабчи бўлди. Бу бола шунақаям безори эканки, уйни бир пастда ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Шумлигининг чеки йўқ экан. Ҳамма ўтирган эди, бир пайт ҳожатхонанинг эшиги ичкаридан гумбурлаб қолди. Ўтирганлар югуриб боришди. Эшикни биров қулфлаб қўйибди. Қамалиб қолган аёл бир томондан жон ҳолатда эшикни гумбурлатиб урса, иккинчи томондан:

— Кимдир устимдан қулфлаб кетибди! Оҳинг тезроқ!—деб дод солардн.

Уй эгалари гир айланиб калидни қидиришади.

— Менинг ўғлим қилган бу ишни... ўғилчани топинглар, ўғилчани,— дейди зўр бериб бақ-бақалоқ пакана бир одам.

Ҳамма қидириш билан овора-ю, у бўлса оғзини кўпиртириб арзандасини мақтайди:

— Занғар жуда ўткир бола чиқди-да, турган-битгани ўт-а, ўт... Мени айтди дейсиз, хонимафандимни устидан қулфлаб кетган ҳам ўша.

Жувон ҳожатхона эшигини тешиб юборай деяпти-ю, бунинг бўлса жаҳи тинмайди.

— Ишқилиб кўз тегмасин-у, жуда ақлли бола-да. Қўлига китоб олганини билмайман-у, аммо лекин имтиҳондан ўтиб кетаверади. Китобга бир қараса бўлди, миясига ёпишиб қолади. Ёшлик пайтимда мен ҳам шунақа эдим. Китоб ўқиб ўтирмасдим. Отасига тортган бачча-ғар. Уртоқлари китобдан бош кўтармайди, нуқул ўқиганн ўқиган. Бизнинг ўғил китоб бетини кўрмайди-ю, лекин синфда ҳам қолмайди. Аслида ўзим мук тушиб дарс қиладиган болаларни ёқтирмайман...

Уйдагиларнинг ҳаммаси мана шу миясн ўткир болани қидириб топиш билан овора.

(Давоми бор).

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

[1] Қуруш — майда пул. Бир лира юз қурушдан иборат. (Тарж).

Экран янгиликлари

«Рошфорлик қизлар»

Жак Деми билан Мишель Легранниинг ижодий ҳамкорлиги 1960 йилда ишланган «Лола» бадиий фильмидан бошланган эди. Легранниинг ўзига хос таланти режиссёрни мафтун қилди. Шундан кейин улар ҳамкорликда музикали фильм яратишга қарор қилишди. Шу тариқа «Шчербург соябонлари» яратилди. Улар янги фильмларини «Рошфорлик қизлар» деб аташди.

Воқеа кичкина порт шаҳарларидан бири Рошфорда бўлиб ўтади. Бош қаҳрамонлар — гўзал опа-сингил Гарньелардир. Дельфина рақсдан, Соланж қўшиқдан дарс бериша-ди. Музика улар учун бутун бир олам. Лекин улар буюк муҳаббат ҳақида ҳам орзу қилишар ва қачонлардир насиб бўлишига умид боғлашарди.

Дельфина ва Соланж ролларини опасингил Дорлеаклар ижро этишган. Улар санъаткорлар оиласида вояга етишган. Француз Дорлеак ўн ёшидаёқ театр саҳнасига чиқади. 1959 йилдан бошлаб кинода суратга тушиб, 12 фильмда иштирок этди. Ўтган йили бу истеъдодли актриса автомобиль ҳалокатида вафот этди.

Мадам Ивонн ролини ажойиб француз актрисаси Даниель Дарье ўйнади.

«Парк фильм-мадлен фильм» (Франция) киностудияси суратга олган бу фильм томошабинда яхши таассурот қолдиради.

«УЧРАШУВ МАНЗИЛИ — ЖЕНЕВА»



СУРАТДА: шу фильмдан кадр.

Бу фильмга ҳақиқатда содир бўлган бир воқеа асос қилиб олинган.

Германия Демократик Республикасида профессор Герлах бир группа олимлар билан ҳамкорликда стабилизатор яратади.

Герлах яратган бу препарат Ғарбий Германия ва Америка разведкасини қизиқтириб қолади. Бу мамлакатларда фосфор кислотасини ишлаш агрессив мақсадларга қаратилган. Уларда ихтиро қилинган асбоблар сувни тез парчаланиб кетишига имкон беради. Сувнинг тез парчаланишини тўхтатувчи Герлах стабилизатори шунинг учун разведка оғзига тушган эди. Америка разведкаси группасига жосус Лесли ва Ғарбий Германия разведкаси группасига Мюллер бошчилик қилади. Мана шу икки разведка группаси ўртасида жуда катта кескин рақобат кетади.

Мюллер иш кўраётган группада Германия Демократик Республикаси давлат хавфсизлигининг майори Зандор бор эди. Майор Зандор зиммасига Герлах перепаратини ўғирлаш операцияси планини барбод қилиш юклатилади. Зандор бу мураккаб ва қалтис ишни муваффақият билан амалга оширади ва «ҳамкасблар»ини доғда қолдиради.

Фильм сценарийсини Руди Кури ёзган.

● *Ёшлар ижодидан*

ҚИШЛОҚ МЕҲРИ

Олисларда қолди, шовқинли шаҳар,
Дорилфунун боғи, таниш хиёбон
Қалбимда нур бўлиб мангуга яшар
Қишлоғим, севинчим дилда ҳаяжон...
Ху, ўша кўриниш сўқмоқ, далалар
Менинг сўқмоқларим, менинг йўлларим.
Қуёшда қорайган содда болалар —
Менинг болалигим, сўнгсиз ўйларим!
Қишлоқ одамлари дилкаш, меҳрибон,
Шулардан ўргандим мен ҳам ёнишни.
Улғайдим, улғайдим шулар меҳридан
Ҳар бири қадрдон, менинг таништим...
Мен ҳам бир зарраман,
Буғдой бошоғи
Зўр меҳринг дилимга умрбод знё,
Мен нега севмайин она қишлоғим.—
Шу кичик нуқтадан
Бошланса дунё!

* * *

Гарчи сендан олис бўлсам ҳам,
Қалбим сен-ла биргадир-бирга.
Шодлик чоғи бўлмасам бирга—
Кечирарсан, мени дўстингнам...
Қайда бўлсам келарман шу он,
Ҳамдам бўлгум албат ёнингда
Қайғурмасам қайғурганингда—
Йўқ кечирма, мени ҳеч қачон!..

Шавкат ТУРОБ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

РАДИО

18 ИЮНЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Партия маорифи системасида ўқув йилининг тамом бўлиши» (русча). **18.10** И. Бах. Фортепьяно ва оркестр учун концерт. **18.40** Спорт ешиттириши (русча). **19.00** «Актуал проблемалар» (Москва). **19.15** Сўнгги ахборот (Ўзбекча). **19.23** Сўнгги ахборот (русча). **19.30** Қозоқ куйларидан концерт. **20.00** «Ўзбекистон пиончиси» радионжурнали. **20.30** Г. Мушель «Кашмир афсонаси» балетидан сюита. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик механизаторлари учун концерт. **22.20** Тожик куйлари. **22.40** Шеърият кечаси. **23.15** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Л. Н. Толстой ва музика» деган ешиттириш (Ўзбекча). **19.30** «Баҳтиёрликни куйлайман» деган адабий ешиттириш (русча). **20.00** Б. Исҳоқова ва Н. Аминов ижросида қўшиқлар (тожикча). **20.30** «Ленин ҳақида куйлаймиз» деган музикали радиокомпозиция (русча). **21.00** «Янги ҳикоялар», Назармат. «Чакмон» (Ўзбекча), **21.40** Концерт (русча).

19 ИЮНЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Бахт қўшиқлари. **7.55** «Саломатлик — туман бойлик» (Ўзбекча). **8.25** Ўзбек халқ куйлари. **9.30** Ҳ. Раҳимов. «Ёшлик» симфоник поэмаси. **10.30** С. Василенконинг «Оқ билак» балети ҳақида суҳбатли концерт. **11.15** «Республикамиз шаҳарлари ва областларида» (Ўзбекча). **11.30** Чолғу куйлари. **13.30** Ф. Лист ва Э. Григнинг фортепьяно пьесалари **15.15** «Маданият университети» радиожурнали (Ўзбекча). **16.10** Л. В. Собинов куйлайди. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** Симфоник куйлар. **18.00** Иқтисод фанлари кандидати М. Ортиқовнинг «Кўп қаватли уйжойлар» деган суҳбати (Ўзбекча). **18.10** Р. Қодировнинг хор асарлари. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. **20.40** Ёш ижрочилар концерти. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Севги қўшиқлари. **22.40** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (Ўзбекча). **23.15** Мақом кечаси. **23.30** «Актуал проблемалар» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Украин ва белорус куйларидан концерт. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Ёшлар ижоди (Ўзбекча). **19.30** «Музикали календарь» **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** И. Аҳвердовнинг «Қари музикант» номли ҳикояси асосида радиоинсценировка (Ўзбекча). **21.00** А. Жалолов, «Шоир Хислат ҳақида сўз» деган суҳбат **21.40** Концерт (русча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.30 З. Кодан. «Тўқимачи аёллар» операси. **16.00** Ҳамза номли театрнинг «Мудҳиш айбнома» спектаклининг монтажи.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/VI да **Аяжонларим**, 20/VI да **Мудҳиш айбнома**, 21/VI да **Замон драмаси**.

КИНО

18 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Учрашув манзили —Женева— САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кечқурун), «МОСКВА» (кеч 7.20 минутда).

Таниш-билишларимиз — «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

Катталар ўйини —«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кеч 8 ва 9.45 минутда), «МОСКВА» (кеч 9.20 минутда).

Дакийлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

Рошфорлик қизлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кеч 6 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади).

Рошфорлик қизлар — ТЕЛЬМАН номли.

Учрашув манзили —Женева— «ФЕСТИВАЛЬ»

Таниш — билишларимиз — «ХИВА».

19 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Дўппили фариштa — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 9,45, 11.30, кундуз соат 1.15 да),

Учрашув манзили — ЖЕНЕВА — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН» НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2.30 ва кеч 7.20 да).

Таниш-билишларимиз — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Катталар ўйини — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уруш-уруш-да — «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз соат 5 ва кеч 9 да),

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10,40 минутларда бошланади)

Таниш-билишларимиз — ТЕЛЬМАН НОМЛИ. «ХИВА».

Учрашув манзили —женева — «ФЕСТИВАЛЬ»,

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

30 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика ва физика-техника бўлимларининг физика бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Обсерватория кўчаси, 85 уй) да физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. А. Мўминов: «Антимонид индай бузилган электрон-ковак плазмасининг мажбурий нурланиши» деган темада

Диссертация билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

---

30 июнь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология ва химия технология фанлари бўлимларининг воология профили бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Куйбишев кўчаси, 14 уй) да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Л. А. Сливочкина: «Ўргимчак кананинг тетранихус телариус акарицидларга чидамлиги» деган темада;

И. А. Коротина: «Юқори температура шароитида ичакнинг шимиш фаолиятининг хусусиятлари» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ХЕЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ВАГОН РЕСТОРАН КОРХОНАЛАРИГА

Вагон -ресторанларга директорлар умум овқатланиш ва савдо профил бўйича махсус маълумоти борлар, хўжалик мудири

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Қизил тўқимачи станцияси, Бошлиқ кўчаси, 10 уй (31 автобусининг «Қизил тўқимачи станцияси» бекати).

5-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1969-1970 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

эркак ва аёллар устки кийимини тикувчилар, аёллар енгил куйлакларини тикувчилар (ўрта маълумотлилар), пойафзал тикувчилар.

Тошкент шаҳрида турувчи, 8.10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёш ва ундан катта ёшдагилар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига иш стажлари бор сифатида қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати —2 йил; аёллар куйлакларини тикувчилар учун 1 йил.

Директор номига ёзилган аризага: 8—10 синфларни тугатганлиги ҳақида справка, ота-онасининг турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка, мактабдан характеристика, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 4 фотосурат (3х4 см) қўшиб топширилади.

Аризалар —30 августгача қабул қилинади.

Машғулотлар —1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 35 уй (7, 9, 11, 14, трамвайлар. 3, 6, 23, 26, 30, 51, 54 автобуслар, 2, 6, троллейбусларнинг «Б. Хмельницкий» бекати). Телефонлар 5-05-07, 5-04-63.

Тошкент область Тошкент қишлоқ совети (Калинин район)даги 2 сон (33-сон) ўрта мактаб томонидан **Пўлат Ғуломов** номига берилган 021338 номерли йўқолган **ЕТУҚЛИК АТТЕСТАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТЕЛЕВИЗОР

18 ИЮНЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Телевизион янгиликлар (рус тилида).

Узбек тилида: 18.45 Ленинча меҳнат вахтасида.

19.00 Урие Керменчикли куйлайди. Суҳбатли концерт. **19.40** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатишлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Беш йиллик йўлларидан. **20.45** Ўқувчилар учун. «Тўрғай» музикали программаси. **21.15** «Ватан ўғлонлари». Телеочерк. **21.30** Интервидение. Ленин бўлган жойларда. **22.00** «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Рангли телевидение программаси. «Бандура янграйди». Украина ССР Давлат хизмат кўрсатган бандурачилар капелласининг концерти. **01.15** Москва кўратишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Болалар учун. «Мушук уйи» мультфильм.

19.00 «Бу торт сен учун» Илмий-оммабоп фильм. **19.10** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлигимиз экранда». **19.50** «Ўлимга тик қараб». Ҳужжатли фильм. **20.00** 1968 йил куйлари.

Узбек тилида: 20.40 Беш йиллик муддатидан илгари. **21.10** «Уссурийскинг тайга ўрмонида» Телефильм. **21.15** Тошкент Давлат консерваторияси студентларининг концерти. **21.55** «Номаълум солдатга бағишланади». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00 Болалар учун телевизион бадиий фильм. **20.50** «1013 баландлиги» Ҳужжатли фильм. **21.00** «Қизиқ табиатли эркаклар» Телефильм. **21.50** «Галати қиш». Ҳужжатли фильм. **22.00** «Пер. Гюнт» Телеспектакль.

19 ИЮНЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. **18.45** Болалар учун. «Сўз — Зарница» ўйини қатнашчиларига.

Узбек тилида: 19.10 «Бинокор» телепрограммаси. **19.40** Киноленинонма. **20.10** Шеърият мухлисларига. Э. Воҳидов шеърлари. **20.20** «Оҳанжамалиқ қутича». Бадиий фильм (рус тилида). **21.45** Телевизион янгиликлар. **22.00** Санъат устлари. Маннон УЙҒУР.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

23.30 Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ТОРПЕДО» (Москва)— «СПАРТАК» (Москва). **00.15** «Трест» операцияси» Телевизион бадиий фильмнинг учинчи серияси. **01.40** Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДЎСТЛИК ЭКРАНИ ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Актуал иқтисодий проблемалар. **20.30** Рангли телевидение программаси. **22,00** «Вақт информацион программаси;

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 «Уруш йўлларидан». Кинофильм.

Рус тилида: 20.10 «Ажойиб кайфият». Ҳужжатли фильм. **20.30** «Киевлик қиз». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

РЕСПУБЛИКА РАДИО КЛУБИГА

электрорадиотехника ва радиостанцияларнинг материал қисмини билувчи усталар, ўқитувчилар,

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Олтитепин проезди, 37 уй. Телефон 6-6-21-84.

Реклама ва эълонлар

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 18 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Горсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари; Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётнинг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2780 Р. 06568. Индекс 64579